ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

O'ZBEKISTON OQSOQOLLAR KENGASHI "MAHALLA"

MAHALLA

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «МАҲАЛЛА» жамғармасининг нашри

№ 18 (296) 2002 йил 1 май чоршанба. Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган. Сотувда эркин нархда

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизимида янги тажриба

КЎЧА ОҚСОҚОЛЛАРИ

МАҲАЛЛАГА ТАЯНЧ БЎЛДИ

Ташаббус асосида вилоятда кўчабоши (кўча оқсоқоли) лавозими жорий этилиб, уларга ҳокимлик томонидан маош белгиланганига бир ойдан ортиқроқ вақт ўтди. Ҳозир 2 минг нафардан ошиқроқ кўчабоши, кўча оқсоқоли сайланиб, қишлоқ, маҳалла фуқаролар йиғинлари раҳбарлигида фаолият олиб бормоқдалар. Фуқаролар ўзлари яхши билган, кўп йиллик меҳнат фаолиятига эга, обрў-эътиборли кишиларни кўча оқсоқоллигига сайладилар. Кўча оқсоқолига маҳаллий бюджет ҳисобидан энг кам иш ҳақининг 3 баробари миқдорида ойлик иш ҳақи белгиланди. Вилоятимизда фаолият кўрсатаётган «Маҳалла» жамғармаси тармоқлари 2 мингдан ошиқ қўшимча кучга эга бўлгач, ишда сезиларли натижаларга эришиляпти. Кўча оқсоқоллари ўз ҳудудларидаги барча ишдан хабардор. Улар раҳбариятнинг қарор ва фармойишларини фуқароларга ўз вақтида етказиб, бажарилишини таъминлашда, давлат органларига, маҳалла, қишлоқ фуқаролари йиғинларига яқиндан ёрдам бермоқда. Улар фуқароларни миллий истиқлол ғоялари руҳида тарбиялаш, миллий қадриятларимизни эъзозлаш ишларини замон талаблари даражасига кўтармоқдалар. Оқсоқоллар солиқ ва йиғимларни, коммунал хизмати тўловларини ўз вақтида тўлаш, маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш, тўю тантаналар ва бошқа маросимларни ўтказиш, кам таъминланган оилаларга, ёрдамга муҳтож фуқароларга ёрдам уюштириш, ҳашарлар ташкил этиш, содир бўлаётган муаммоларни ҳал этиш, учрашувлар ўтказиш каби ишларни амалга оширишда яқиндан ёрдам бермоқдалар. Тадбирлар, шанбаликлар ўтказиш натижасида «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими ҳисоб-китоб рақамига 30 миллион сўм пул тушди. Улар ўз ҳудудларида ишлаб чиқаришни ташкил этиш, аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини қондиришга асос яратмоқдалар. Ҳозирги кунда маҳаллаларимиз ихтиёридаги 36 та замонавий гузарлар ўз эшигини фуқаролар учун очиб қўйибди. 6 та гузар қурилиши давом этмоқда. Бу гузарларда маданий-маиший, савдо хизмати кўрсатишнинг ўнлаб турлари бор. Энди маҳалла фуқаролари олислардаги бозорларга бориб юрмайдилар, хоҳлаган нарсаларини гузарлардан харид қилишлари мумкин. Шунингдек, алоқа, ҳунармандчилик, сартарошлик ва маиший хизматнинг бошқа турларидан эл баҳраманд. Жиззах шаҳрининг энг баҳаво масканидан «Маҳалла» маркази қуриб фойдаланишга топширилгани фуқаролар учун катта қулайликлар яратди. Бу ерда 300 ўринга мўлжалланган маросимларни ўтказиш зали бор. Арзон-қулай, буюртмачи учун ҳамма имкониятлари мавжуд бўлган марказда ўтказилаётган тадбирлар эвазига иқтисодий даромад олинмоқда. Бу «Маҳалла» жамғармасининг келгусида амалга ошириладиган режаларига кўмак бермоқда.

Жиззах вилояти ҳокимининг ташаббуси билан ҳудудимиздаги шаҳар ва қишлоқларда кўча оқсоқолларининг тизими жорий этилиши фаолиятимизнинг тубдан яхшиланишига имкон яратаяпти.

Маҳаллаларимиз ҳудудида қурилаётган гузарлар асосан ҳашар йўли билан бунёд этилмоқда. Маҳаллаларда истиқомат қилаётган фуқаролар гузарлар қошида ўзларининг кичик корхоналарини, савдо шахобчаларини, тадбиркорлик ишларини амалга ошириш учун имконият берадиган биноларни қурмоқдалар. Бу кўплаб кишиларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш имконини бермоқда. Маҳалла гузарларида ҳунармандчилик, нонвойхона, миллий пазандалик каби тармоқлар фуқароларга хизмат кўрсатаяпти. Бу ташаббуслар фуқаролар томонидан илиқ кутиб олинаётгани келажакда кенг қамровли ишларни амалга оширишга йўл очиб беради. Маҳаллаларда хўжалик ва маданий қурилиш тадбирларини амалга оширишда қўл келади. Вилоятда кенг қулоч ёяётган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлигини ўтказиш, озодаликни таъминлаш, омманинг куч ғайратини ёрқин режалар сари йўналтириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу ишларда кўча оқсоқолларининг хизматларини алоҳида таъкидлаб ўтишга тўғри келади.

Амалга оширилаётган ишлар, истиқболдаги режалар кўчабошиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга ундайди. Улар учун махсус хоналар ажратиш, бу жойларни телефонлаштириш, телевизор, радио билан таъминлаш, тадбирлар ўтказишга шароитлар зарур. Бу режаларни амалга ошириш учун имкониятларимиз етарли.

Ўзингни, ўз уйингни ҳимоя қил, деганлар.Оқсоқолларга фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, уларнинг шахси ва мулки дахлсизлиги ҳақидаги қонун ва қоидаларга амал қилиш кераклиги тушунтирилмоқда.

Ватан маҳалладан бошланади, деган тушунчани ҳар бир фуқаромиз чуқур ҳис қилиши керак. Вилоятимизда ҳокимлик ташаббуси билан жорий этилган шаҳар ва қишлоқлардаги кўча оқсоқоллари тизими бу туйғунинг тантана қилишида асосий омил бўлмоқда.

Муқум ҲАСАНОВ,
Жиззах вилояти Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими раиси.

Кечаги кунлар хотирасини унутиб бўлармикин...

9 май - Хотира ва Қадрлаш куни

ҚАДР ТОПГАН ХОТИРА

Эндиликда, давлатимиз раҳбари Ислом Каримов таъкидлаганидек, Хотира деганда, аввало, биз бу фоний дунёдан ўтган аждодларимизни эслаш, уларнинг чироғини ёқиб, эзгу ишларини давом эттиришни тушунамиз. Қадрлаш дегани - асрлар давомида она диёримизни, халқимизнинг озодлик ва истиқлолини, эркин ва фаровон ҳаётини мардлик ва шижоат билан ҳимоя қилган фидойи ватандошларимизга муносиб ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш демакдир.

Мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнамолигида юртимизда инсон ҳаёти, эрки, шаъни, қадри ва хотирасини эъзозлаш борасида амалга оширилаётган хайрли ишлар халқимиз таҳсини ва эҳтиромига сазовор бўлмоқда. Айниқса, Йўлбошчимизнинг Иккинчи жаҳон урушида фашизмга қарши курашиб ҳалок бўлган, мамлакатимиз озодлиги ва мустақиллиги учун жон берган Ватан фарзандлари хотирасини абадийлаштириш, бугун ҳам эл-юртимиз обрўйини юксалтиришга, ёшларни тарбиялашга муносиб ҳисса қўшаётган фахрийларни ҳурматлашга қаратилган 1999 йил 2 мартдаги «9 Майни Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилиш тўғрисида»ги Фармони худди шу юксак мақсадлар ижобати йўлида қўйилган қутлуғ қадам бўлди.

Мана, тўрт йилдирки, Хотира ва Қадрлаш куни юртимизда умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланмоқда. Шу кунлари азим пойтахтимиз марказида бунёд этилган Хотира майдони зиёратгоҳга айланади.

- Бу йил Қарияларни қадрлаш йили деб эълон қилингани муносабати билан мазкур муборак сана, айниқса, ўзгача аҳамият касб этмоқда, - деди «Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармаси раиси, филология фанлари доктори Наим Каримов ЎзА мухбирига. - Бунинг натижаси ўлароқ, нафақат уруш фахрийлари, балки фронт ортида фидойилик кўрсатган, ҳозир сизу биз билан бирга мустақиллик неъматларидан баҳраманд бўлаётган барча нуронийларимиздан кўнгил сўраш, уларнинг ҳолидан хабар олиш, иззат-ҳурматини жойига қўйиш каби эзгу юмушларнинг кўлами бениҳоя кенгайди.

Хотира ва Қадр. Халқимизга хос юксак инсоний фазилатлар ифодаси бўлган бу муқаддас калом ва эзгу тушунчалар Истиқлол шарофати билан қайта тикланди, луғатимиздан муқим жой олди, мазмунан янада бойиди. Улар замиридаги инсон ботиний дунёсига дахлдор энг олижаноб туйғуларнинг моҳияти ва аҳамияти ғоят теранлашди.

Кези келганда, Юртбошимизнинг инсон хотираси ва қадрини янада улуғлаш борасидаги янгидан-янги ғояларини рўёбга чиқариш йўлидаги саъй-ҳаракатларнинг изчиллиги ва мантиқий давомийлигига эътиборингизни қаратмоқчиман.

Маълумки, 2001 йил 1 май куни Президентимизнинг «Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Мазкур Фармон 1999 йил 12 майда Юртбошимиз томонидан имзоланган яна бир ҳужжат - Мустамлака даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш тўғрисидаги Фармойиш ва шу асосда Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган махсус қарорнинг узвий давоми бўлди. Ушбу ҳужжатга мувофиқ қатағон қурбонларини ёд этиш маросими ҳар йили мамлакатимиз Мустақиллиги байрами арафасида - 31 август куни «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуида ўтказилади.

Айни вақтда Фармонга мувофиқ «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуида Қатағон қурбонлари хотираси музейи бунёд этилмоқда. Айтиш жоизки, эл-юрт озодлиги йўлида қурбон бўлганлар, истибдод даврида қатағон этилганларнинг қутлуғ номларини тиклаш борасида бу қадар кенг қамровли ишлар бажарилган мамлакат жуда кам.

Барпо этилаётган музей тўққиз зал, кутубхона, видеотека, фототекадан иборат бўлади. Зиёратчилар чор истилосидан то «пахта иши» деб ном олган мудҳиш қатағонгача бўлган давр қурбонлари хотирасига бағишланган кўргазмалар билан танишади.

Бу ерда истиқлол йилларида қатағон қурбонлари хотирасини тиклаш ва уларнинг муборак номларини абадийлаштириш борасидаги ишларга алоҳида зал ажратилади.

Пойтахтимизда ва бутун мамлакатимиз бўйлаб Президентимиз ташаббуси билан барпо этилаётган бундай муаззам зиёратгоҳлар халқимизнинг минг-минглаб фидойи фарзандлари хотирасини ёд этиш, ҳақиқат ва адолатни тиклаш, замондошларимиз, хусусан, ўсиб келаётган ёш авлод онги ва шуурида ўтганлар хотирасига ҳурмат ва эҳтиром туйғусини, мустақиллик тафаккурини шакллантириш, улар қалбида Ватан ва юрт учун ғурур ва ифтихор ҳиссини уйғотишга муносиб хизмат қилажак.

Ғулом АБДУРАҲИМ,
ЎзА мухбири

ХАЛҚАРО ҲАЁТ ПАНОРАМАСИ

ВОРИС ТАЙИНЛАНДИ

Фаластин мухтор ҳукуматининг раҳбари Ёсир Арофат ҳозирги вазиятда мамлакатда кутилмаган ҳодисалар рўй бериши мумкинлигини ҳисобга олиб ўзининг вориси қилиб Фарруҳ Каддумийни тайинлади. Каддумий қарийб ўн йил давомида миллий департамент бошлиғи бўлиб хизмат қилган.

ПРЕЗИДЕНТНИНГ КЎНГЛИ ТЎЛМАЯПТИ

Белорусия президенти А.Лукашенко ҳукуматнинг иқтисодий сиёсатидан кўнгли тўлмаётганлигини, агар шу йилнинг иккинчи чорагида ҳам аҳвол ўзгармаса бош вазир Г.Навицкий ўзи учун бошқа иш қидиришни лозимлигини айтган. Президент бундан олдинроқ ишда йўл қўйилган камчиликлари учун юқори лавозимдаги бир неча раҳбар ходимларни ишдан бўшатган эди.

РУҲОНИЙЛАР ЁРДАМИ

Россия руҳонийлари Афғонистондаги Имом Соҳиб шаҳри аҳолисига ўзларининг дастлабки инсонпарварлик ёрдамларини юбордилар. Ҳозирча улар умумий қиммати 50 минг АҚШ долларига тенг бўлган 100 тонна ун, шакар, ёғ ва бошқа озиқ-овқат моллари юборишган. Кейинроқ бу ердаги аҳоли учун кийим-бош, кўрпа-тўшак ва қурилиш моллари ҳам жўнатилади.

ЖАНГЛАР ҲАЛИ ТЎХТАМАЯПТИ

Исроил ҳукумати бугун БМТ томонидан Фаластин мухториятга қарашли Жинин шаҳарчасидаги ибодатхонада текшириш олиб бориш учун тайинланган махсус комиссияга рухсат бериш-бермаслик масаласини кўриб чиқиши лозим. Исроил ҳарбий кучлари ўз ҳаракатларини бир зумга ҳам тўхтатмаяптилар. Улар кеча ғарбий соҳилдаги Халил шаҳрига танклар ёрдамида бостириб кирганлар. Тинч аҳоли яшайдиган уйлар вайрон қилинган, тўққиз киши ҳалок бўлган.

ГИЁҲВАНДЛАР...

Россия чегара қўшинларининг Тожикистондаги масъул ходими С.Кондратьевнинг айтишича, шу йилнинг бошидан буён Афғонистондан олиб ўтилаётган 240 кг (шундан 143 кг героин) гиёҳванд моддалар қўлга туширилган. Ўтган йили бу кўрсаткич 37 кг.ни ташкил қилган экан.

ТУЗУМГА ҚАРШИЛАР ЖАЗОЛАНДИЛАР

Озарбайжонда конституцион тузумга қарши иш олиб борган Ҳизбут таҳрирчилардан олти нафарининг устидан суд жараёни тугаган. Улардан уч нафари олти йилга, қолганлари етти йилга озодликдан маҳрум қилинганлар. Чечанистонга боришни ихтиёр қилган яна етти киши устидан ҳам суд жараёни бошланган.

Семинар

АТРОФ-МУҲИТ СОФЛИГИ УЧУН МАҲАЛЛА ҲАМ МАСЪУЛ

Кеча Жиззах шаҳридаги Маҳалла марказида Республика «Маҳалла» жамғармаси, унинг вилоят бўлими ҳамда «Европадаги Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Тошкентдаги маркази ҳамкорлигида «Маҳалла ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш» мавзуида семинар бўлиб ўтди. Унда «Маҳалла» жамғармасининг вилоят бўлими ходимлари, шаҳар ва туман бўлинмалари раислари, оқсоқоллар, «Экосан» халқаро жамғармаси, Табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг вилоят бўлимлари, вилоят Санитария-эпидемиология марказининг мутахассислари қатнашдилар.

Семинарни Республика Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси раиси биринчи ўринбосари Неъмат Абдуллаев маҳаллаларнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасида ўтмишдаги тажрибалари ва эндиликдаги имкониятлари ҳақида кириш сўзи билан очди. Шунингдек, семинарда вилоят ҳокими ўринбосари Сайёра Тўйчиева, ЕХХ ташкилотининг иқтисодиёт ва атроф-муҳит муҳофазасига оид дастурлар бўйича мутахассиси Даглас Туки, Республика Табиатни муҳофазалаш қўмитаси ҳуқуқ бўлими бошлиғи Темур Тиллаевларнинг маърузалари тингланди.

Вилоят Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг вилоят бўлими раиси Муқимжон Ҳасанов атроф-муҳитни, экологияни мусаффо сақлаш ишида маҳалла тизимининг бевосита қатнашуви, айниқса, бу борада яқинда ўз фаолиятларини бошлаган кўчабошиларнинг масъулиятини оширишни алоҳида таъкидлади. Шунингдек, семинарда атроф-муҳитни муҳофазалаш ишида маҳалла оқсоқолининг ҳуқуқий ваколатлари қатъий белгилаш ва такомиллаштириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Пардабой ТОЖИБОЕВ,
«Mahalla» мухбири.

ОБОД МАҲАЛЛАЛАР ЮРТ КЎРКИ

Тошкент вилояти

Республика Оқсоқоллар Кенгаши, «Маҳалла» Жамғармаси республика бошқаруви ташаббуси билан юртимиз маҳаллалари ўртасида анъанавий «Энг обод маҳалла» кўрик-танлови эълон қилингани хусусида аввал хабар бергандик. Ҳозир бу кўрик-танловнинг туман ва вилоят босқичлари якунланмоқда.

Яқинда ушбу кўрик-танловнинг Тошкент вилояти бўйича якуний босқичи ўтказилиб, ғолиб маҳаллалар кўрик-танловнинг республика босқичига тавсия этилдилар. Тошкент вилояти бўйича якуний босқичда иштирок этган 21 нафар маҳалла орасидан Паркент туманининг Истиқбол, Янгийўл шаҳрининг Рамадон маҳаллалари фахрли биринчи ўринни баҳам кўрдилар. Шунингдек Қибрай туманининг Ғафур Ғулом маҳалласи иккинчи, Тошкент туманининг Шамсиобод маҳалласи учинчи ўринни эгаллади.

Мухбиримиз

Хоразм вилояти

Янгиариқ туманида ўтказилган кўрик-танловда Қўриқтом маҳалласи ғолиб деб топилди.Маҳаллага кирган киши унинг анча обод ва гўзал эканини дарров сезади. Бу ерда ҳовлисида гул ўстирмаган хонадоннинг ўзи йўқ. Кўчаларнинг икки ёнида тераклар қад ростлаб турибди. Энг аҳамиятлиси шундаки, бу маҳаллада гужум экиш кенг йўлга қўйилган. Маълумки, гужум доимий парваришни талаб этади. Маҳалла аҳли бу қадимий ва чиройли дарахтни қунт билан парваришлашдан эринмайдилар.

Ҳаводаги чангни тутиб қолувчи ва экологиянинг яхшиланишига таъсир кўрсатувчи гужум дарахтлари маҳалладаги ҳар бир хонадонда авайлаб парваришланади. Хуллас, қўриқтомликлар ўзига хос урф-одатлари ва гўзалликни севиб ардоқлашлари билан бошқалардан ажралиб туради.

Қ.МУЛЛАЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Шу соннинг

2-САҲИФАСИДА

**** Тўйдан олдинги ва кейинги «тўйча»лар...***
**** Аёл оқсоқолимиз бўлса қанийди!***
**** Ҳошия бувининг ҳайратомуз ҳаёти.***

3-САҲИФАСИДА

**** Дунё сўрабмидим сиздан, отажон?!***
**** Мурожаат уч хил бўлади: ариза, таклиф ва шикоят.***
**** Битта кўприк битди, иккинчиси қуриляпти.***

4-САҲИФАСИДА

**** Ким ўйлаб гапиради, кимдир эса ўйнаб...***
**** «Тим» сўзининг тилсими.***
**** Башорат - фақат унга ишонувчилар учун.***

MAHALLA
Ўзбекистон "МАҲАЛЛА" хайрия жамғармасининг нашри

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00123-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Буюк Турон кўчаси,41-уй

Телефонлар: Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-53-75
Қабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.

Мақола ва хабарлар мазмуни, факт ва рақамлар учун муаллифлар масъулдирлар.

E-mail:mahalla@gazeta.silk.org

«MAHALLA"НИ МАҲАЛЛАГА БОҒЛОВЧИ МАКТУБЛАР.

2002 йил 1 май
№ 18 (296)

«MAHALLA»га мактуб

Республикамиздаги ҳар бир маҳалла фаолиятини ва ҳаётини ёритишимизда Сиз азиз муштарийлардан таҳририятимизга келаётган мактублар бизга жуда асқотмоқда. Баъзида бир кунда почта қутимизга тушган хатларнинг сони ўнтадан ошиб кетмоқда ва бу ҳолдан беҳад мамнунмиз. Сизнинг бизга йўллаётган мактубларингиз газетамиз саҳифаларини кетма-кет Сизнинг хатларингизга бағишлаш имконини бермоқда.

МУАММОЛАР МУАММОЛИГИЧА ҚОЛМАЯПТИ

Эътироф

Бизнинг маҳалламиз ўртасида «Самарқанд-Бухоро» авто шоҳкўчаси ва Ўзбекистон темир йўлининг - «Мароқанд» шоҳбекати жойлашган.

Маҳалла оқсоқолиман. Бир йилдан зиёдроқ вақт ичида маҳалламизда амалга оширилган ишларни аввало мустақиллик йилларида тизимга қаратилган эътиборнинг, биздек оқсоқолларни шахсан Президентимизнинг қўллаб-қувватлашлари шарофатидан деб биламан. Ва маҳаллалар бурунгидек гуллаб-яшнаётган, оқсоқолларнинг ваколатлари кенгайтирилаётган бир даврда оқсоқол бўлиб ишлаётганимдан фахрланаман. Ободонлаштириш ойлигида маҳалламиз ҳудудини кесиб ўтаётган «Самарқанд-Бухоро» шоҳ кўчаларининг икки томонига мевали ва манзарали дарахтлар экилди. Йўл четига гулзорлар ташкил этилди, айни пайтда ажойиб манзара бермоқда. Маҳалла кўчалари тозаланиб барча уйлар оқланиб чиқилди. Ҳашар йўли билан қурилаётган янги мактаб биноси битиш арафасида турибди.

Шу йилнинг январь ойидан бошлаб вилоят ҳокими ташаббуси билан маҳалламиз ҳудудига шаҳар йўналиши бўйлаб 4-сонли автобус қатнамоқда. Маҳалламизнинг қарийб 40-50 фоиз аҳолиси шаҳарга қатнаб ишламоқда, натижада ишсизлар сони камайди.

Яқин кунлар ичида маҳалламизга Ўзбекистон темир йўллар «Мароқанд» бекатидан электр энергияси линияси тортилиб, бир неча йиллардан буён давом этаётган электр энергия танқислиги муаммоси ҳал бўлади. Яна бир савобли ишлардан бири 1995 йилдан буён маҳалламизга Самарқанд кимё заводи томонидан 7 км газ қувури тортиш тўғрисида лойиҳа-сметаси тузилмоқда, насиб этса кузгача газ муаммосидан ҳам қутуламиз.

Акмал ОТАМУРОДОВ,
Самарқанд вилояти Пасдарғом тумани Зангибой маҳалласи.

АСАБНИ АСРАШ КЕРАК

Узоқ йиллардан буён иш фаолиятим давомида хонадонларда бўлиб, қишлоқ одамлари билан суҳбатлар қурдим. Шундай кезларда инсонларнинг бир-бирларига меҳру оқибатлари, иззат ҳурматларидан бошим осмонга етса, бадният кимсаларнинг хатти-ҳаракатларидан ранжиб ҳам кетаман.

Гоҳида ака-ука, опа-сингил, қайнона-келин, қайнсингил ва овсинлар ўртасида арзимаган сабабларга кўра низо чиқади. Оқибатда ўзаро меҳр ришталари узилади. Уларнинг айримлари вазиятни «юмшатиш» учун отин ёки домлага борадилар. Ўзини мулла ёки фолбин санаб юрганлар ҳам кўпаймоқда. Улар Қуръон сураларини чала-чулпа ўқиб, бошқаларнинг эътиборини тортиб, обру қозонмоқчи бўладилар.

Аслида муқаддас Қуръонда фол очиш, «иссиқ-совуқ» қилиш қаттиқ қораланган. «Бировга чоҳ қазисанг, ўзинг тушасан», «Ҳасад юракни кемиради» сингари ибратли нақллар ҳам бежиз айтилмаган.

Юраги пок инсон ҳеч қачон бировга ёмонликни соғинмайди. Ваҳоланки, бу дунёда яхшиликка мукофот, ёмонликка эса жазо бор! Бир шоирнинг «Инсон қалби билан ҳазиллашманг Сиз» деган сатрларини ўқиганда асабларимиз жуда нозик, уни авайлашимиз кераклигини ҳис этиш қийин эмас. Бир-биримизни асрайлик, азизлар.

Жума ШУКУРОВ,
Қашқадарё вилояти Ғузор тумани Қўштепа қишлоқ фуқаролар йиғини раиси.

Муносабат: «Тўй-маъраканинг ҳадди». 6 февраль, «Арафадаги гаплар». 13 февраль

«АРАФА»ГА КЕТГАН КИТОБ ПУЛИ

Тўй - яхши тадбир. Айниқса, ўзбекнинг тўйи. Лекин ўзимиздаги манманлик, қариндошлар ва маҳалла-кўй олдида қудратимизни кўрсатиб қўйиш истаги туфайли оддий никоҳ тўйида ҳам тўйгача ва ундан кейин ўтадиган «тўйча»ларнинг саноғига етиб бўлмайди.

Шунинг учун ҳам, Президентимиз томонидан тўйларни камхарж, исрофгарчиликсиз ўтказиш борасида махсус Фармоннинг имзоланиши ҳам бежиз эмас эди. Ушбу Фармоннинг ижроси, тўйларни, турли маросимларни ортиқча исрофгарчиликсиз ва дабдабаларсиз ўтказиш борасида газетангиз саҳифаларида эълон қилинган «Тўй-маъраканинг ҳадди», «Арафадаги гаплар» каби маърифий, ибратли мақолаларда келтирилган хулосаларга қўшилмасдан иложимиз йўқ. Маҳалламизда топиш-тутиши ўртача оиладан тўнғич қиз узатилди. Оила соҳибларига чарлар қилмасликни маслаҳат берсак «Бизнинг биринчи тўйимиз, орзу-ҳавасимизни ўзимизга қўйиб беринглар» дея хафа ҳам бўлишди. Тўй дабдаба билан ўтди. Ўқиш мавсуми бошлангач, ушбу оиланинг икки ўқувчи болалари ўқув йилини дарсликларсиз бошлашди. «Орзу-ҳавас»ли ота-оналари кам таъминланган ва кўп болали оила болалари учун ажратилган мактаб фондидаги китоблардан беришимизни сўраб мактабга чиқишди.

Ҳайит яқинлашаётгани, қуданикига камида 30 тоғора пишириқ жўнатиш лозимлиги, ҳали олдинда қуда чақириқ маровими турганидан китоб сотиб олишга қурблари келмаётган экан. Улардан ҳам жаҳли чиқади, ҳам раҳми келади одамнинг. Ўзим ҳам уч қиз узатганман, қуда-анда кутишнинг заҳматини яхши биламан. Ҳайит арафасида яна бир маҳалладошим маслаҳатга чиқибди: катта хайитда 25 та тоғора арафалик жўнатгандим, кичкинасида нечта жўнатсам экан? Ана, холос. Кичик ҳайитда арафалик жўнатиш нимаси, десам, «Ҳа, фалончихон шундай қиляпти экан», дейди. Булар биргина никоҳ тўй билан боғлиқ тумантуман ташвишларнинг бир шингили холос. Бешик тўй, ақиқа, хатна тўйларимиз ҳам маҳалла оқсоқоллари, хотин-қизлар билан ишлаш комиссиялари, тўйларни ўтказиш кенгашларининг саъй-ҳаракатларига қарамасдан ҳамон дабдаба билан ўтмоқда. Демак, доврўқли тўй ўтказиб обрў орттириш мумкин деган хато тушунча кўпчилигимизнинг онгимизга ўрнашиб қолган. Ушбу масала юзасидан ибратомуз воқеаларни, мулоҳазали мақолаларни тез-тез чоп этиш, одамларимизни ёппасига бўлмаса ҳам астасекин юқоридаги каби кайфиятдан воз кечишларига хизмат қилган бўлади.

М.РАСУЛХЎЖАЕВА,
ўқитувчи.
Тошкент.

ЭСОНМИСИЗ, ОМОНМИСИЗ?

Сир эмас, кўпчиликда аёл кишига оқсоқоллик қилиш оғирлик қилади, деган фикр мавжуд. Ўз тажрибамдан шуни англадимки, оқсоқоллик масъулиятини англаш учун кишининг аёл ёки эркаклиги эмас, ташкилотчилиги ва фидойилиги муҳимроқ экан.

АЁЛ КИШИ ҲАМ ОҚСОҚОЛ БЎЛА ОЛАДИ

Бизнинг Короскон қишлоғимизда олтита маҳалла бор. Оқсоқолларимиз бошчилигида маҳаллаларимизда жуда ибратли тадбирлар ўтказилмоқда.

Бу ишларда туманимиз ҳокими Муродилла Ҳасановнинг маҳаллалар, оқсоқоллар фаолиятига алоҳида эътибор билан қаратаётгани жуда қўл келмоқда. Айниқса, аҳолини иш билан таъминлаш, маҳаллаларда тинчлик-осойишталикни сақлаш ва ёшларни тўғри тарбиялаш ишлари масъул шахслардан тортиб оддий фуқароларнинг ҳам диққатида. Шунингдек, Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан ўтказилаётган тадбирлардан кексаларимиз беҳад мамнунлар.

Фурсатдан фойдаланиб, қишлоғимиз аҳолисини кўпдан ўйлантириб келаётган бир масала ҳақида тўхталсам: олтита маҳалламизнинг ҳаммасида эркак оқсоқоллар ишлайди. Қишлоғимизда аёллар эркаклардан анча кўп бўлишига қарамай аёл оқсоқолларимиз йўқ. Ваҳоланки, аёлларимиз орасида оқсоқолликни эплайдиган, ғайрат-шижоатли аёлларимиз топилади.

Тўрахон ҲАМЗАЕВ.
Наманган вилояти Чортоқ тумани .

Биз доимо газетани ўқиб, кузатиб борамиз. Республикадаги маҳаллаларда амалга оширилаётган ишлардан хабардор бўламиз, маҳалла фаоллари тадбиркор ва ташаббускор бўлиши лозимлигини янада яққол ҳис этамиз.

Очиғини айтсам, бизнинг маҳалламизда қилинаётган ишлар ҳам ушбу газетада ёритилишини истаймиз. Қандай ишлар, дерсиз? Тўғри, ободончилик ва орасталик ойликлари ўтказилаётгани, кам даромадли хонадонларга моддий ёрдам берилаётгани ва кўчабошилар тайинланиб, уларнинг фаолияти назорат этилаётгани ўз режамиздаги юмушлардир. Бироқ, мана маҳалла аҳли янада аҳил ва ҳамжиҳат бўлиб бирлашмоқда. Ҳатто кейинги вақтда ночор хонадонларга кўмак берувчи ҳомийлар ҳам кўпайиб қолди. Очил Усмонов, Шоди Умидов, Жовли Қиличов, Ҳамид Атаулаев, Илҳом Холёров сингари саховатпеша инсонлардан айниқса миннатдормиз.

Юртимиз бўйлаб ўтказилаётган кўрик-танловларда доимо фаол иштирок этамиз.

Кўчабошиларимизга кўмакчи бўлаётган Муҳаррам Зокирова, Лайло Аслонова, Асадулло Омонов, Тўра Ғоиповлар ҳар бир кўчанинг тартибли бўлишида ва уларда яшовчилар ўртасида тарбиявий ишларни кучайтиришда жонбозлик қилишмоқда. Хуллас, режадаги ишларимиз ҳам анчагина. Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан ишлаб чиқилган Давлат дастури асосида ўтказаётган тадбирларимиз кексалар кўнглини кўтариб, кайфиятини яхшилашга хизмат қилмоқда.

Норгул ТИЛОВОВА,
Қашқадарё вилояти Нишон тумани Улуғбек номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

Қарияларни қадрлаш йили тадбирлари

104 БАҲОРНИНГ РАНГИН ЛАҲЗАЛАРИ

Ҳошия буви 51 ёшида илк фарзандини кўрди. Аммо бунгача ҳам унинг бағри болаларга тўла эди.

Янгиқишлоқдаги Урганжи маҳалла фуқаролар йиғини ўрамида яшовчи Ҳошия буви Ризаева 104 ёшни ортда қолдирди.

Опахон Худойберди бува билан умргузоронлик қилган йилларни кечагидек эслайди. Худойберди бува ниҳоятда билимдон, зукко инсон эдилар. Ислом таълимотидан анча хабардорлиги учун кўп бора тазйиқ ва таъқибларга учраган. У кўли гул дурадгор эди. Михсиз, урумгармон ёрдамида қишлоқ аҳолисига уйлар қуриб берарди.

Ҳошия буви ўн тўрт нафар фарзанд кўрди, эгизакларим бор эди. Аммо уларнинг бирортаси ҳам униб-ўсмади. Очарчилик йилларида ҳам Худойберди аканинг ҳунари туфайли бу оила нисбатан тўкин яшаган. Ўша очарчилик йиллари бу хонадон дарвозаси олдига чақалоқларни, болаларни ташлаб кетишарди. Бу ҳолат тез-тез такрорланиб турарди. Боласи шу хонадонда улғайиб бораётганини зимдан кузатиб юрган аёллар бирор юмушни баҳона қилиб, ўз боласини эмизиб кетган ҳоллари ҳам бўлган. Ундан ортиқ болалар шу оилада вояга етдилар. Айримлари шу қишлоқда, атрофдаги шаҳар ва қишлоқларда уйланиб, уйли-жойли бўлиб кетишган.

Етти ёт бегона болаларга меҳрини, муҳаббатини, ширин сўзини берган Ҳошия бувининг болажонлиги Яратганга маъқул тушиб, 51 ёшга тўлганида Ҳасан-Ҳусан кўрди. Кетма-кет Хайринисо, ундан кейин эса Салима туғилди. Ўғли Ҳасанбой ички ишлар соҳасида ишлаб, пенсияга чиқди. Хайринисо туман ижтимоий таъминот бўлими ходимаси, Салима новвойчилик касбини шарафламоқда.

- Уйимизда иккинчи жаҳон уруши ва ундан кейинги йиллари ҳам ўрис, татар, украин, корейс ва бошқа миллат болалари қўним топишган, - дейди Ҳошия буви.- Қатағон йиллари уйимизни тинтув қилишганда кўп китобларни, Ҳадисларни кир ўраларга ташлаб юборишди. Ўтга ташлаб ёқишди. Бузғунчиларнинг ёнига кирган маҳалладошларимиз ҳам бўлган. Уларнинг кўпи шол, кўр бўлиб оламдан ўтди. Бу дориламон кунларга етганлар бор, етмаганлар ҳам...

Қўлдош ҲОЖИМАТОВ.
Андижон вилояти Избоскан тумани.

ТАХТАПУЛДА ЯХШИ ТАДБИР

Пойтахтнинг Собир Раҳимов туманидаги Тахтапул маҳалласида Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан ўтказилган тадбир маҳалла аҳли ва меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Ўзбек Миллий академик драма театри актёрлари ва М.Турғунбоева номидаги «Ўзбекрақс» бирлашмасининг «Зарафшон» ансамбли санъатқорлари ўз чиқишлари билан тадбир қатнашчиларига шодлик бахш этдилар. Маҳалла ҳудудида жойлашган 19-касб ҳунар коллежи ўқувчилари тиккан турли либослар кўргазмаси ҳам йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди.

Айниқса, маҳалла кексаларига алоҳида ҳурмат кўрсатилди. Уларнинг 15 нафарига маҳалла кенгаши ва хотин-қизлар қўмитаси номидан совғалар топширилди. Кўпни кўрган нуронийлар тадбир ташкилотчиларларига омонлик, юртга тинчлик ва қут барака тилаб дуолар қилдилар.

Юсупжон ҒОЙИПОВ.



ҚАЛИЯнинг ЯХШИ РАИСИ

Акбар ака Пирназаров олий маълумотли иқтисодчи. Умр бўйи иқтисод соҳасини ривожлантиришга ҳисса қўшиб келди. Пенсияга чиққач Жиззах шаҳридаги Қалия маҳалла фуқаролар йиғинига раис этиб сайланди.

Ҳали оқсоқол бўлмасидан Акбар аканинг ташаббуси билан маҳаллада радио-телеустахона, сартарошхона, бир қатор савдо шахобчалари очилган эди.

Маҳалла катта, 5500 дан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Ҳар бир фуқаронинг ўз қувонч ва ташвишлари бор. Улар ҳолидан доимо хабардор бўлиб бориш, муаммоларни вақтида ҳал этиш мақсадида маҳаллада кўча оқсоқоллари сайланган. Улар ўз кўчаларида тарбиявий ва тушунтириш ишларини олиб бормоқдалар. Пировардида солиқларни, коммунал хизматлар учун тўловларни ундириш енгил кўчаяпти, ҳуқуқбузарлик ҳолатлари эса тобора камайиб бораяпти. Маҳаллада 60 нафардан ортиқ якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи фуқаролар бор. Солиқларни тўлашда тадбиркор ва олдий фуқароларга қулай бўлсин деб маҳаллада алоқа бўлими, банк филиаллари очилди. Бундан буён тадбиркорлар сафи яна ҳам кенгайиб бораверади. Қўшни вилоятдан келин бўлиб тушган қўли гул нонвой аёллар машҳур Самарқанд нонини ёпишни йўлга қўйдилар. Бу хилдаги бўрсилдоқ нонлар бозорга чиқмаёқ хонадонларнинг ўзидан қўлма-қўл бўлиб кетаяпти.

Тадбиркорликнинг орқасидан катта даромад топаётган маҳалладошлар кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлашда, маҳаллани ободонлаштиришда кўмакдош бўлмоқдалар. Уларнинг ёрдами билан маҳаллани табиий газ ва ичимлик сув билан таъминлаш яхшиланди, йўллар равон бўлди, қабристон тартибга келтирилди. Таэквандо билан шуғулланувчи маҳалла болалари махсус спорт кийим-бошлари билан таъминланди.

Бу хайрли ишларнинг бошида маҳалла оқсоқоли Акбар ака Пирназаров турибди.

Жасур НОСИРОВ.
Жиззах вилояти.

Ибрат

АСТРОБОД - ОБОД

Қадимги эртакларда энг хушманзарали юртларни «дарахтлар қуюқ соя солиб, гуллар очилиб турган, сувлари зилол жой» дея таъриф қилганлар. Бундай сўлим гўшаларда одамлар яйраб яшашади, гўзалликни кўриб руҳлари тетиклашади. Бизнинг Астробод маҳалламиз ҳам айни чоқда эртаклардаги каби чиройли масканга айланмоқда. Чунки, ҳар йили кўклам бошланиши билан маҳаллада ободончилик ишлари қизғин тус олади. Бу эзгу юмушдан ҳеч ким четда турмайди. Ҳатто биз ўқувчилар ҳам боғ-роғ ва гулзорларни кўпайтиришга ҳисса қўшамиз.

Маҳаллада ўтказилган бу йилги кўкаламзорлаштириш ойлигида фаол иштирок этдик. Ҳар биримиз бир туплан мевали манзарали дарахт кўчатлари ўтқаздик. Эндиликда бу ниҳолларни ўзимиз парваришлаяпмиз. Улғайганимиз сайин эккан ниҳолларимиз ҳам бўй чўзиб, ширин-шакар мевалар тугади, ён-атрофга салқинлик бахш этади. Шуни ўйласак, бизнинг кўнглимиз ёришади. Қолаверса, аждодларимиз айтиб кетган «Дарахт эккан қолур савобга!» деган ҳикматли гап ҳам бор. Ҳар биримиз ўз маҳалламиздаги савоб юмушларга бош қўшсак, дейман.

Нилуфар ШОДЖОНОВА,
Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманидаги 21-мактабнинг 9-лицей синфи ўқувчиси.

Хат қутидан топилдиқ

АСТОГИНА

(Қувноқжон ота қўшиғи)

Кел ёнимга кампир пари,
Бир-бир юриб астогина.
Юмушларинг қўйгин нари,
Келгин туриб астогина!
Эсингдами эл маҳлиқо,
Этиб бизни кўп маҳлиё.
Кетганларинг боқмай қиё,
Лабни буриб астогина.
Бир экан-да ахир тақдир,
Қалай энди, қани гапир,
Қўйибмиз-ку ўртоқ кампир.
Юзни уриб астогина.
Ўчмас қилиб мана изни,
Ўстирдик кўп ўғил-қизни.
Кел яшайлик яна юзни,
Даврон суриб яна астогина.

Тўлан ТАБАССУМ.

БОЛАЖОН КОТИБ

Сиз Тожимурод ҳақида эшитмаган бўлсангиз керак. У ҳолда сўзлаб берай.

Бу йигит қаерда болакайлар йиғилган бўлса, ўша жойда ҳозиру нозир. Аслидаку, ўзи оилали, уч фарзанднинг отаси. Иши ҳам кўп, беш йилдан бери Қоракулча маҳалла фуқаролар йиғининнинг котиби вазифасида фаолият кўрсатади. Лекин, кўча-кўйда фикру ёди болаларда, ҳатто уларни хурсанд қилиш учун чўнтагини турли ширинликларга тўлдириб юради. Боғча ва мактабларда неки тадбир бўлса, Тожимурод албатта қатнашади, фақат қатнашибгина қолмасдан тадбирни чиройли, ўтказишга ҳомийлик ҳам қиладди.

-Болани тез-тез рағбатлантириб туриш лозим, - дейди у. -Чунки, ўғил ё қиз катталардан мақтов эшитса, ўзига ишончи ортади. Истиқлол болалари ўзига ишонмас экан ўз келажагини ўзи ҳал этолмайди-да!

Тожимуроднинг куюнишлари бежизга эмас. Биз бугун болаларни софдил, иродали ва соғлом этиб тарбиялашимиз зарур.

Маҳаллада ёшлар билан турли тадбирлар ўтказиш, кам даромадли хонадонларга ёрдам қўлини узатиш ҳамда қарияларнинг кўнглини олишдек савобли юмушларга Тожимурод бош-қош. Биз Тожимурод Қобиловнинг болапарварлиги ва маҳалласига фидойилигидан жуда мамнунмиз.

Т.Жўраев.
Сурхондарё вилояти. Қумқўрғон тумани.

«Mahalla» мухбирлари хабарларидан

Қорақалпоғистон

МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ

Қораўзак туманида янги иш ўринлари ярмаркаси бўлиб ўтди.

Унда 26 та корхона, ташкилотлар 133 бўш иш ўринлари билан қатнашди. Шу куни 100 нафарга яқин ёшлар иш билан таъминланди. 25 нафар йигит-қизлар касб ўрганиш марказларига йўлланма олди. Тадбирни ўтказишда туман прокуратураси, Меҳнат бўлими билан бирга «Маҳалла» жамғармаси ҳам фаол қатнашди.

Асилбек ИСКАНДАРОВ.

Самарқанд

ҲАМ ЎРГАТИБ, ҲАМ ЎРГАНИБ

«Бирни кўриб фикр қил» деганлар. Гоҳида ён-атрофимиздаги ижобий силжишлар бизнинг ҳам ички имконларимизни юзага чиқариб юборади.

Хусусан, маҳаллалар ҳаётида ўзаро тажриба алмашиш бу кун яхши анъанага айланиб қолди. Маҳаллалар бирбиридан ибратли жиҳатларни ўрганишса, бу кўпгина яратувчилик ишларига туртки беради. Яқинда Тошкент вилоятининг Қибрай туманидан 30 нафар маҳаллалар фаоллари Самарқанд шаҳрида бўлишди. Меҳмонлар шаҳар атрофидаги маҳаллаларда амалга оширилаётган семинар ва маҳалла аҳлининг келгуси режалари билан танишишди. Икки кунлик сафар давомида Самарқанднинг кўҳна, диққатга сазовор жойлари зиёрат қилинди. Қибрайликлар Самарқандан яхши таассуротлар билан қайтдилар.

Шухрат ҚАРШИЕВ.

Оила бутун - қалб бутун

ИЗЛАБ-ИЗЛАБ ТОПГАНИНГ ОТАНГ(МИ)!?

Республика миқёсидаги семинарга бироз кеч бориб қолганлигим сабабли ўриндиқлардан бирига бориб ўтирдим ва танаффус бўлишини пойладим. Ўзимча хаёл суриб, ёнимга келиб ўтирган 16-17 ёшлардаги қизга эътибор ҳам бермабман.

Бироздан сўнг қиз қўлидаги бир парча қоғозни кўрсатиб ушбу манзилга қандай борсам бўлади, дея ийманибгина сўради. Шундан сўнггина мен унга эътибор бериб қарадим ва бу ерга қандай келиб қолганлиги билан қизиқдим. Зилоланинг айтишича, (қизнинг исми) у Фарғона вилоятидан семинар иштирокчилари билан бирга Тошкентга келган. Ўша қоғоздаги манзилда дадаси яшар экан. Зилоланинг гапларидан унга қизиқишим тобора ортиб борарди.

- Даданг бу ерга ишлашга келганми? - дея сўрадим ундан.

- Йўқ, у киши мен икки ойлик чақалоқ пайтимда ойим билан ажрашиб кетганлар. Орадан 16 йил ўтиб мен суриштириб дадамнинг манзилларини билиб олдим. У киши Тошкентда бошқа аёл билан турмуш қурган эканлар. Мен дадамни жуда-жуда кўргим келганлигидан онамга ҳам билдирмай Тошкентга келдим. Мен билан бирга келган семинар иштирокчилари дадамни топишга ёрдам беришларини айтишганди. Мен улар чиққунича кутиб тураман. Айтингчи, ушбу манзил узоқми?

Бу пайтга келиб танаффус бўлиб, вазиятдан фойдаланиб мен ҳам йиғилишга кириб кетдим. Йиғилишдан чиқарканман ҳалигача кутиб турган Зилолага кўзим тушди. Ҳали семинар давомида дилимга тугиб қўйган фикримни Зилолага айтдим. Семинарга Зилола билан бирга келганларга ҳам бу фикрим маъқул тушди. Машинам борлиги ва мен билан бирга кетадиган ҳамроҳим ҳам Зилола кўрсатган манзил яқинида туришини ҳисобга олиб уч киши бирга

йўлга тушдик. Зилола йўл бўйи хаёл суриб борарди. Биз ҳам олдиндаги ҳаяжонли дамларни ўзимизча тасаввур этиб борар эдик. Қувончли бир вомизни сездим. Салом-аликдан сўнг, мана қизингизни олиб келдик, дея орқамизда турган Зилола томон юзландик. У бироз қизга тикилиб, «Худди қеага гувоҳ, аниқроғи сабабчи бўлишимиздан хурсандлигимизни тасаввур этиш қийин эмасди.

Суриштириб топган манзилимиз шаҳримиздаги корхоналардан бирига тегишли бўлган оилавий ётоқхона экан. Орзиқиб кутилган дамларга ҳам жуда яқин эдик. Эшик қўнғироғини ҳамроҳим босди: ичкаридан 40 ёшлардаги бир эркак чиқди. Унинг қуйиб қўйгандек Зилолага ўхшашлигини кўриб адашмаганлигионасига ўхшабди» деди, сўнг эшикни очиб, «Хотин, меҳмонлар келибди, қара» дея жойида қотиб тураверди. Эшикдан бир қадам чиққан аёл ҳам минғирлаган кўйи деди:

- Ҳа кира қол, укаларинг ҳам сени қачон келади, деб кўзи учиб турувди.

Бундай қаршилашларини хаёлига ҳам келтирмаган, ширин хаёллар оғушида келган Зилоланинг бошига гурзи тушгандай бўлди. Шарт орқасига бурилганча қўллари билан юзини ёпиб ҳўнграб йиғлаб югуриб кетди. Бу вазиятдан ҳаммамиз карахт ҳолга тушдик. Бироз ўзимизга келиб, Зилоланинг дадасига қарадик. У ҳамон жойидан жилмай тош қотиб турарди. Шунда шеригим ғазаб билан «Эссиз сенга одамгарчилик, эссиз сенга ота деган ном, эссиз сенга эркаклик ғурури» дея кета бошлади. Мен ҳам ортга қайтар эканман Зилолани нима деб овутиш ҳақида ўйлар эдим. Чилпарчин бўлган қиз қалби, узоқ йиллар кутилган учрашувнинг бу тарзда совуқ, кўнгилсиз тугаши бизни гангитиб қўйган эди. Шу куни Зилолани автобусга чиқариб қўйдик. У уйига бир дунё қувонч ўрнига алам билан, нафрат билан қайтгани аниқ эди.

О.БЕГАЛИЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Анжуман

Кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида Конрад-Аденауэр Фонди ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ҳамкорликда халқаро конференция ўтказди. Конференцияда Ўзбекистон ва Европа Парламенти аъзолари, ўзбек ва немис сиёсатчилари, сиёсий партия вакиллари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

ПАРЛАМЕНТДА ИСЛОҲОТ

Мазкур конференция мамлакатимиз ҳаёти учун муҳим ва долзарб масала ва мавзуларни қамраб олди. Унда Ўзбекистонда олиб борилаётган Парламент ислоҳотлари, икки палатали Парламентни шакллантириш, фракцияларнинг парламентдаги роли, партияларнинг сайловларга тайёргарлик кўриш масалалари муҳокама этилди. Конференция қатнашчилари хориж Парламентлари, айниқса, Германия ва Европа парламентлари фаолияти хусусида фикр юритдилар, тажриба алмашдилар.

Ушбу конференция Конрад-Аденауэр Фонди томонидан Ўзбекистон Республикасининг барча вилоятларида 2 йилдан бери ўтказилиб келинаётган Парламент ислоҳотларига бағишланган семинарларнинг давоми бўлиб, бу семинарлар Республикамиз Президенти Ислом Каримов томонидан олға сурилган Парламентни ислоҳ қилиш ва икки палатали парламент шакллантириш борасидаги ғоялар асосида амалга оширилмоқда.

Анжуманда «Европа давлатларининг бирлашуви Марказий Осиё давлатлари учун намуна бўла оладими?», «Ўзбекистонда Парламент ислоҳотлари: янги вазифалар» мавзулари юзасидан республикамиздаги «Фидокор», «Адолат», «Миллий тикланиш», Ўзбекистон халқ-демократик партияларининг масъул ходимлари ва Конрад Аденауэр жамғармаси аъзолари ҳамда Европа Парламентлараро ҳамкорлик алоқалари бўйича бир нечта нуфузли мутахассисларнинг маърузалари тингланди.

Парламент ислоҳотларини самарали амалга оширишда журналистлар катта рол ўйнайдилар. Чунки аҳоли ушбу ислоҳотларнинг йўналишлари ва аҳамияти ҳақида журналистлар фаолияти орқали тасаввурга эга бўлади. Шунинг учун ҳам ушбу семинарларда республикадаги марказий ва ҳудудий оммавий ахборот воситаларида фаолият юритаётган журналистлар фаол қатнашдилар.

Ўз мухбиримиз.

ТОШДАН ИБОРАТ... БУЙРАК

Руминиянинг Ясси шаҳридаги касалхонага кучли буйрак оғриғи билан келтирилган беморнинг буйраги жарроҳлик амалиётида ноёб воқеа бўлиб қолади деб ҳеч ким ўйламаган эди. Беморни жарроҳлик столига ётқизиб амалиётни бажараётган дўхтирлар, беморнинг буйрагини кўриб ҳайрон қолишди. Гап шундаки, буйрак гўё фақат турли ўлчамдаги тошлардан ясалгандек эди. Врачларни шундай орган билан аёл қандай яшаганлиги лол қолдирди. Ахир, лол қолмай ҳам бўладими бу бемор аёлнинг буйрагидан олинган тош оз эмас, кўп эмас 567 дона эдда! Бемор касалхонадан чиқар экан, қарийб ярим аср давомида тўплаган «бу бойлигини» ўзи билан олиб кетди.

ОКЕАНДА БИР ЙИЛ СУЗГАН ХАТ

Америкалик ўсмир Майкл Лестер кока-кола шишасининг ичига солиб океан тўлқинлари орқали жўнаттан хатига қарийб бир йил деганда жавоб олди. Нома солинган шиша ўн бир ой илгари Массачусетс штатида сувга ташланган бўлиб, уни жўнатилган жойидан беш минг километр нарида тутиб олишди. Шишадаги хатни Ачиял оролида яшовчи Ричард Баррет олган бўлиб, у дарҳол Лестер номига жавоб хатини жўнатади. Ўн тўрт ёшли Майклнинг сўзларига қараганда бу хат унинг бундан бир неча йиллар илгари тақдир тақозоси билан Ирландиянинг шу оролга келиб қолган катта бувиси билан алоқа ўрнатишга имкон берди.

ҚАМОҚХОНА ЎРНИДА МЕҲМОНХОНА

Сан-Франциско штатидаги қамоқхона Америкадаги энг машҳур ва нуфузли ҳибсхоналардан ҳисобланади. Чунки у шундай кўркам ва хуш манзара ерга жойлашган бўлиб, унинг бир томонидан эса катта автострада яққол кўринib туради. Худди шу нарса шаҳар маъмурияти бошлиқларини бу ерда беш юлдузли салобатли меҳмонхона қуришга чорлади. Ўлимга ҳукм қилинган номдор маҳбусларни кўрсатиш меҳмонхонани реклама қилишда катта роль ўйнади. Масалан, Роберт Кеннедига суюқасд қилган Ширхон электр курсига ўтказишларидан олдин шу ерда туткунликда сақланганди.

МОСКВА ҲАМ ШУ РЎЙХАТДА

Госгидромедмарказ ҳар йили мамлакатлари шаҳарлар ҳавосининг қай даражада тозалиги тўғрисида ахборот тайёрлайди. Кейинги ўтказилган текширишлар шуни кўрсатганки, Россиянинг 11 шаҳри кейинги беш йил ичида атмосфера ҳавосининг ифлосланганлиги жиҳатидан ажралиб туради.

Биринчидан, бу шаҳарларда саноат корхоналари жойлашганлиги бўлса, иккинчидан, уларда автомашиналарнинг кўплигидандир. Бийск, Кемерово, Краснодар, Магнитогорск, Новокузнецк, Омск, Ростов-на-Дону, Хабаровск, Чита, Южно-Сахалинск, Москва шу шаҳарлар сирасига киради.

Ф.ҒОЙИБОВ тайёрлади.

Пойтахтимизнинг Ҳамза туманидаги Иномжон Юнусов номли маҳалла юртимиздаги обод, ибратли маҳаллалардан бирига айланиб бормоқда. Маҳалла оқсоқоли Ортиқали Абдувалиев ташаббуси билан шарқона ҳуси олган маҳалла идораси, «Давр» тадбирлар уйи нафақат маҳаллага ҳуси бўлди, балки фаолларнинг ишига қулайликлар яратди.

- Маҳалламиздаги ҳар бир қулайликдан самарали фойдаланиб, кишиларимиз ҳаёти мазмундорлигини ошираяпмиз, - дейди О.Абдувалиев.

Суратда: И.Юнусов номли маҳалла оқсоқоли Ортиқали Абдувалиев, туман «Замондош» маданият уйи директори Ойниса Аминова ва маҳалла фаоли Мунаввар Юнусова галдаги тадбир режасини тузмоқдалар.

Сурхондарё вилояти

БУ ЙЎЛЛАР - РАВОН ЙЎЛЛАР...

Бойсун тумани автомобил йўллари бошқармаси Шароф Рашидов номли кўчанинг этагида Мирқаракўз маҳалласининг шундоққина биқинида жойлашган.

Бу ер ҳамиша одамлар билан гавжум. Негаки корхона йирик. Икки юзга яқин муҳандислар, техниклар, ишчилар, механизаторлар меҳнат қиладиган жамоага ташкилотчи ва тадбиркор йигит Салим Равшанов раҳбарлик қилади. Тадбиркор 1981 йилдан буён шу корхонада фаолият юритади. Салим Равшанов йўл қурилиши соҳасида йўл қурувчисидан тортиб уста, катта уста, иш бошқарувчи, ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи, бош муҳандисликкача бўлган поғоналарни босиб ўтди. Иш ўрганди, тажриба тўплади. Шу боис бўлса керак, вилоят автомобил йўллари бошқармасида бойсунлик йўлсозларнинг алоҳида ўрни бор, мавқеи баланд.

Бойсун тоғли туман. Ҳудудининг қарийб 80 фоизи тоғ, тоғ олди зоналарга тўғри келади. Бундай шароитда йўл қуришнинг ўзи бўлмайди. Бир томони Оқработдан Кўғайлиотагача, иккинчи тарафдан Дарбанддан - Бешэркакгача чўзилган 327 километр узунликдаги йўлни корхона жамоаси янги йил арафасида фойдаланишга топширди. Йўллар Чакчак, Боғхона, Сариғози, Ётиқ довонларини кесиб ўтади. Унинг 58 километри халқаро, 195 километри республика, 33 километри вилоят, 101 километри маҳаллий аҳамиятга эга. Ёки жаҳон стандартлари тўртинчи тоифа, иккинчи, 87 километри учинчи, 51 километри тўртинчи тоифа, талабларига жавоб беради.

Йўллар Бойсунни Шеробод, Бандихон, Қумқўрғон, Шўрчи, Олтинсой, Қўшни Қашқадарё вилоятининг Деҳқонобод туманлари билан боғлайди. Катта ўзбек тракти ҳам, Буюк Ипак йўли ҳам Бойсун ҳудудини кесиб ўтган. Шуларнинг ўзи ҳам туман автомобил йўллари бошқармаси жамоаси зиммасидаги вазифа улкан ва айни чоғда ниҳоят масъулиятли эканлигидан гувоҳлик беради.

Яқин кунларда олти километр янги йўллар қурилди. Тўда қишлоғида икки километр, Бойсун қишлоғида икки ярим километр йўл таъмирланди. М-39 автомобил йўлидан 3 километр, Тўда ва Ҳўжабулғон қишлоқларидан бир километрдан йўлларнинг сиртки қисмига ишлов берилиб, умумий ҳолати яхшиланди. 30 километрлик йўлга шағал ётқизилди.

Йўлнинг қурилишида, унинг ўз вақтида битишида Даҳанаижом участкасидаги асфальт ишлаб чиқариш корхонасининг ҳам улуши улкан бўлди. 10 минг тонна тайёр иссиқ асфальтнинг етказилиши қурилиш ишларини янада жадаллаштирди. Йўлларнинг тор жойларидан 500 метри кенгайтирилди. Йўловчилар ҳаракатига ҳам қулайликлар яратилди. 1,5 километр пиёдалар йўлакчалари, 7 та автобус бекати замонавий услубда таъмирланди.

Қурилиш ишларида Жума Турсунов, Ғайрат Норматов, Хидир Қаҳҳоров, Шукур Розиқов, Жаббор Рамазонов, Бурхон Холмаматов, Раҳим Хурсандов сингари ишчан шофёрлар, автогрейдрчилар, бульдозерчилар, ишчилар, пайвандчиларнинг қалб қўри, билак кучи синган. Ишни ташкил қилиш ва белгиланган муддатда сифатли қилиб охирига етказишда бош муҳандис Зайниддин Бўриев, ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Зиёдулла Ғаффоровларнинг ҳам хизмати катта. Ҳаракатланиш тартиб қоидаларининг барча талабларига тўла жавоб беради.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, 34 та кўприк, 265 та сув ўтадиган қувурлар туман автомобил йўллари бошқармаси тасарруфида. Кўприкларни таъмирлаш, сув йўлларини равонлаштириш борасида ҳам йўл қурувчи азаматлар олиб бораётган ишлар кўлами кенг. Бойсунсойдан ўтган Мирқаракўз маҳалласида йўлсозликда катта аҳамиятга молик бўлган кўприк битказилиб, фойдаланишга топширилди. Айланма йўллан ўтадиган транспорт қатновидаги қийинчиликлар кўприк қурилиши билан бартараф бўлди. Айни кунларда Сарқамиш маҳалласида ҳам яна бир қурилиши тезкор суръатларда давом этмоқда. Гап шундаки, кўприк конструкциялари Тошкентдан келтирилади. Иш бажарувчи ташкилот эса, Қашқадарё вилоятида. Кўприк устига босиладиган темир бетон плиталари вақтида етказиб берилса, нур устига аъло нур бўлади.

Йўл қуриш хайрли иш. У дилни-дилга боғлайди, узоқни яқин, мушкулни осон қилади. Шунинг учун ҳам бойсунлик қурувчиларнинг бу борадаги саъй-ҳаракатлари таҳсинларга лойиқдир.

Омон ШУКУРОВ,
«Mahalla» мухбири.

Маҳаллада тадбир

УЛУҒ МУҲАДДИС ЗИЁСИ ТАРАЛДИ

Маҳалладаги йиғинларда кишилар кўпроқ нималар хусусида сўзлашишади?

Худди шу савол боробарида яна битта муҳим масалага эътиборни қаратайлик. Бу кун маҳалла одамлари вақтларини асосан нималарга сарфлайдилар? Ахир вақт жуда қимматли, унинг ҳар сонияси бизнинг яшаётган умримиз, турмушдаги саъйи-ҳаракатларимиз ва дунёқарашимиз мезонларини белгилайди! Шундай экан, ўзимиз истиқомат қилаётган гўшада вақтимизни фойдали суҳбатлар учун ажрата билаяпмизми?

Тошкент шаҳрининг Собир Раҳимов туманидаги Беруний номли маҳалла ўз зиёлилари билан ном қозонган. Таниқли олимлар, турли касб эгалари аралашуви билан маҳаллада кўплаб учрашув ва суҳбатлар ўтказиб турилади. Яқинда республика «Маҳалла» ҳамда Имом ал-Бухорий халқаро жамғармалари томонидан бу ерда уюштирилган «Маънавият сабоқлари» мавзуидаги давра суҳбати улуғ муҳаддис Имом ал-Бухорийнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланди. Учрашувда таниқли шарқшунос олим Убайдулла Уватов буюк ватандошимиз ҳаёти ва фаолияти хусусида сўз юритди.

Буюк муҳаддис асарларини маҳаллада ўрганишнинг аҳамияти муҳим эканлигини эътироф этди.

Шундан сўнг «Маҳалла одоби» рисоласининг муаллифи, олим Анвар Ҳожиаҳмедов сўз олиб, ушбу рисола улуғ муҳаддис ҳадислари асосида ёзилгани, у ҳадисларни маҳалла ҳаёти, маҳалладошлар фаолияти, ахлоқ ва одоб муаммолари билан боғлаган ҳолда шарҳлаб бергани хусусида гапирди.

Давра суҳбатида Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси раисининг ўринбосари Қ.Шоакромов, республика «Маҳалла» жамғармаси раисининг ўринбосари С.Ҳасанов, Техника университети ўқитувчиси, физика математика фанлари номзоди Мукаррама Муҳиддинова ва бошқалар сўзга чиқишиб ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

Мухбиримиз.

Жажжи маслаҳат

УЗОҚ УМР КЎРМОҚЧИМИСИЗ?

У ҳолда тўғри овқатланинг!

Улуғ ҳакимларнинг «Тана учун энг зарур озуқа - яхши таом» деган ҳикматлари аслида рост.

Лекин, яхши таомни меъёрида истемол этиш ундан ҳам яхши! Биз-кўпинча тўй-маъракаларда ёки зиёфатларга борамиз. Табиийки, бирваракайига бир неча хил таомлардан тотинамиз. Масалан, аввал суюқ, кейин қуюқ, ундан сўнг ҳўл мевалар, ширинликлар... Йиғинлардаги «овқатланиш тартиби» шунақа. Бироқ нима учун биз бу тартибни ўзимизнинг танамиз учун мослаштирмаймиз. Айтайлик, ҳўл меваларнинг қуввати танага сингиши учун иссиқ таомлардан аввалроқ ейиш керак бўлади. Ҳазм бўлмаган таом устига яна таом истеъмол этиш зарарли эканини ҳам кўпчилигимиз билмаймиз. Иссиқлик қуввати юқори бўлган кучли таомларни бир неча кун сурункасига еб бўлмайди. Кишининг иссиғи ошиб кетиб, кўпгина хасталикларга дучор бўлиши мумкин. Ёки совуқлик қуввати кучли таомларни муттасил истеъмол қилиш ҳам худди шундай оқибатга олиб келади. кундалик ёзиладиган дастурхонимизда иссиқ таомлар бараварида ҳўл мевалар ёки ошқўқлар бўлиши шарт. Булар биринчидан иштаҳани очади, фойдаси ҳам беқиёс, шунингдек овқатнинг ҳазм бўлишини яхшилайди.

Гўштли таомларни хуш кўрувчи мангол халқи ва сибирликлар ўртасида муддатидан олдин кексаядиганлар кўп. Демоқчимизки, гўшт ва нонни ҳазм қилиш ошқозон учун мевалару сабзавотларни ҳазм қилишга нисбатан қийинроқ кечади. Фақат бугина эмас, ҳўл мева ва сабзавотларни тез-тез истеъмол қилиш кишининг тетик ва бақувват, шунингдек доимо соғлом бўлишини таъминлайди. Соғлом яшаган одамнинг умри ҳам узоқ бўлади. Шу ўринда Ҳиндистоннинг Хунза вилояти ҳақида бир мисол келтирамиз. Бу жойлардагилар «Ўрик дарахти ўсадиган ерларда ҳаёт бор» деб ўйлашади. Чунки, хунзаликларнинг эртаю кеч истеъмол қиладиган таомлари ўрик мевасидан тайёрланган. Ҳатто улар овқатга ишлатадиган ёғларни ҳам ўрик данагининг мағзидан ажратиб олишади. Қизжувонлари пардоз учун ўрик меваси ва сувидан фойдаланишади. Шунинг учун ҳам хунзаликлар дунёда энг узоқ умр кўрувчи халқдир. Бу жойда 140 ёшдаги эркагу аёлларнинг юзларида ажин ҳам бўлмайди. Энг қизиғи, бу халқ орасида бирорта тўла гавдали одамни учратмайсиз. Улар эпчил ва чаққон, серҳаракатдирлар.

Бу билан биз «ўрик еган узоқ умр кўради» деган гапни сизга уқтирмоқчи эмасмиз. Аксинча, ҳўл меванинг инсон соғлигига ижобий таъсирини ва у доимо соғлом яшашингизга кафолот эканини эслатмоқчимиз, холос. Шундай экан, мева-сабзавотлар, ошқўқлар сизнинг дастурхонингиздан ҳеч аримасин, деймиз.

Раҳматилло БЕКТОШОВ,
олий тоифали шифокор,
Жомбой тумани.

Ҳуқуқингизни қандай талаб қиласиз?

ҚАЕРГА, ҚАНДАЙ МУРОЖААТ ҚИЛАМИЗ...



Фуқароларнинг ҳар бир турдаги мурожаати негизида инсон ҳуқуқи, эркинлиги ва унинг кафолати ётади. Хўш, фуқароларимиз ўз ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини кафолатловчи ҳуқуқларини қай даражада биладилар? Умуман, давлатимиз қонунчилигида фуқаронинг мурожаат қилиш ҳуқуқини ҳимоя қилувчи қандай ҳуқуқий асослар мавжуд?

Конституциямизнинг 35-моддасида «Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга», дейилган.

Фуқароларнинг мурожаатлари уч хил кўринишда бўлади.

1. Ариза кўринишида, яъни фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқариш тўғрисидаги илтимос баён этилган мурожаатлари;

2. Таклиф кўринишида, яъни фуқароларнинг давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхона, муассаса, ташкилотларнинг фаолиятини яхшилашга қаратилган мурожаатлари;

3. Шикоят кўринишида, яъни фуқароларнинг турли давлат органлари, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари ҳамда қарорлари туфайли бузилган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини тиклаш талаб қилинган мурожаатлари.

Ушбу модда асосида 1994 йил 6 майда қабул қилинган «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунни ҳамда Конституциямизнинг 44-моддаси асосида 1995 йил 30 августда қабул қилинган «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги Қонунни фуқаронинг мурожаат қилиш ҳуқуқини ҳимоя қилувчи ҳуқуқий асос сифатида келтиришимиз мумкин.

«Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонуннинг 2-моддасига асосан, мурожаатларда фуқароларнинг исми, фамилияси, отасининг исми аниқ ифодаланган бўлишлиги қатъий талаб этилади.

Агар фуқаро ўз мурожаатини баён этса-ю, унда юқоридаги маълумотлар мавжуд бўлмаса, ундай ҳолда мурожаатга аноним хабар сифатида қаралиб, кўрилмай қолдирилишига сабаб бўлиши мумкин. Шунингдек, мурожаатлар айнан уларга баён этилган масалаларни ҳал этишга ваколатли бўлган идораларга йўлланиши талаб этилади.

Бордию, фуқаро ўз мурожаатини унда баён этилган масалани ҳал этишга ваколатли бўлмаган идорага йўлланганда ҳам бу мурожаат 5 кун ичида тегишли идорага юборилиб, бу ҳақда фуқарога хабар қилиниши қонун ҳужжатларида белгиланган.

Бундан фуқаро ўз мурожаатини истаган идорасига йўллаши мумкин, деган хулосага келиш керак эмас. Ҳар ҳолда мурожаатлар тез ва адолатли ҳал қилинишини истаган фуқаро учун уларни тегишли органга тўғри йўллаган маъқулроқдир.

Қонунга кўра фуқароларни уларнинг мурожаатлари учун таъқиб остига олиш ва бу мурожаатларни ҳимоялаш ҳаракатларида мажбуран иштирок этиш қатъиян ман қилади. Бу эса ҳар бир фуқарога ўз ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқаришда ҳеч қандай монеликсиз, қаршиликсиз ҳаракат қилиш имкониятини яратиб беради.

Энг муҳими, қонунда ариза, таклиф ва шикоятларни кўриб чиқиш муддатлари аниқ белгилаб қўйилганлигидир.

Агар аризада кўрсатилган масалалар юзасидан қўшимча маълумотлар зарур бўлиб, тегишли ўрганиш талаб қилинса, уни кўриш муддати ўзайтирилиши ҳақида ҳам фуқарога маълум қилиниши керак.

Биз юқорида фуқароларнинг мурожаатлари юзасидан уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ва мажбуриятлари ҳамда тегишли органларнинг ваколатлари ҳақида тўхталиб ўтдик.

Қонуннинг 17-моддасида фуқароларнинг ушбу қонун талабларига риоя қилиш мажбурияти барча турдош давлат органларига, вазирликларга ва мансабдор шахсларга юклатилган.

Ҳар бир давлат идораси, муассасасининг ушбу қонун талабларига ўз фаолиятида тўла риоя қилиши ҳар бир шахснинг мурожаат этиш ҳуқуқидан тўлиқ фойдаланишини кафолатлайди.

Неъмат ХАТТАБОВ,
Тошкент Давлат юридик институти талабаси.

«ВИЗИТКА»ЛИ ОДАМ

Деҳқон фермер хўжалигини ташкил этиб, эндигина иш бошлаган қариндошимиз қишлоққа борганимда мени кўриб қолиб, кўкрак чўнтагидан бир қоғозча чиқариб кўрсатди.

- Манави мухбир укани сен танийсанми? - деди.

Қоғозчага кўз югуртирдим. Исми-шарифи бир томонда кириллча, иккинчи томонда лотинча зарҳал ҳарфлар билан ёзилган «визитка» эгаси гўёки қайсидир газетанинг фельетонлар бўлими мудири эмиш. Ҳайрон бўлдим. Бу нотаниш мухбир бола ишлаётган газетада фельетонлар бўлими бормикин?

- Ишимиздан камчилик ахтариб, тоза бошимизни қотирди, - деди қариндошимиз гапида давом этиб. - Битта ошнам «Яхшилаб меҳмон қилинг, қўлига совға-салом тутқазинг» деб шипшиди. Айтганини қилдик, юмшоққина хайрлашиб жўнаб кетди...

Мен содда қишлоқдошларимдан бундайин ҳангомаларни кўп маротаба эшитганим учунми, унчалик ажабланмадим. Лекин, ҳалиги «визитка» масаласи... Илгарилари қатор унвонлар олган, элга таниқли шахслар ён чўнтакларида ўз «визитка»ларини олиб юришар, кўплаб мухлислари билан алоқа ўрнатишда бу қулай келарди. Аммо, ўз соҳасида ҳали унчалик танилиб улгурмаган ёшларнинг ҳам ўзларига «визитка» буюртириб, бу жимжимадор қоғозчага мактабда олган «Мақтов ёрлиғи»ю қайси ташкилот ё клубнинг аъзоси эканигача ёзиб қўйилгани кишига ғалатироқ туюлади. Кимлигини одамларга қай тарзда «маълум» қилиш балки ҳар бир кишининг шахсий ишидир. Бироқ, ҳар қандай вақтда ҳам жамоа орасида биз инсонийлик меъёрларидан четга чиқмаслигимиз зарур!

КЕРАКЛИ КУЁВ

Кетма-кет бўй етган ўғилларни бараварига уйлаш ажойиб одат. Қўш никоҳ тўйининг ҳам ўз кўрки бор. Хонадонга бирданига икки келинчак бош эгиб кириб келса ота-онанинг бошлари кўкка етади. Яқинда бир маҳаллада худди шундай тўй бўлди. Бу йиғин жуда зўр ўтдию, лекин кишини ранжитадиган томони ҳам бўлди-да. Ўша куни даврабоши қўлидаги узун рўйхатга қараб, бу хонадоннинг узоқ-яқинларини бирма-бир сўзга чиқара бошлади. Сўз олганлар асосан «ука»нинг таърифу тавсифини қилишар, уни кўкларга кўтариб мақташарди. «Ака»нинг номи эса табрик нутқининг энг сўнгида қистириб ўтиларди. Ҳар бир табрик айтилаётганда аканинг боши тобора қуйи эгилар, у маҳалладошларидан эмас, кўпроқ ёнидаги қаллиғидан, янги қуда-андалардан уялаётгандек эди. «Хўш, нега бу икки куёвнинг бири четда қолиб, иккинчисига кўпроқ мақтов ёғилаяпти?» дерсиз. Сабаби шуки, уйланаётган ўғилларнинг каттаси мактабнинг оддий ўқитувчиси, кичиги «АЁҚШ» хўжайини! Сўзга чиққанларнинг аксариятида эса шахсий машина бор...

Кўпчилигимиз қаерда, кимга муомалада бўлайлик, ўз манфаатимизни кўзлаймиз. Ҳатто саломлашиб-сўрашганда ҳам шу нарса хаёлимизнинг бир четида туради. Эртаиндин ишимиз тушиши мумкин бўлган кишиларни кўрсак, дарров муомаламизни ўзгартирамиз, унга ўзимизни яхши кўрсатгимиз келади. Натижада, инсоний муносабатга сохталик аралашади, самимият мағлуб бўлади! Демакки, биз «керакли» одамни иззат қиламизу, ўзимизни эса иззатламаймиз. Бордию, биз ўзимизни ҳам озгина ҳурмат қилганимизда эди, феълимиздаги шу иллат учун виждонимиз олдида бироз уялган бўлармидик...

«ЮБИЛЕЙИМНИ ЎТКАЗИБ БЕРИНГ...»

Узоқ йиллик ҳаёт йўлини босиб ўтган кишилар улуғ ёшга етган кунини ёр-дўстлари билан бирга нишонлашади. Бир идорада кўп йиллар хизмат қилган инсонларнинг юбилейлари гоҳо шу идора жамоаси томонидан ҳам ўтказилади. Айни вақтда эса юбилейлар анча «яшариб» кетаётгандек. Ишонмайсизми?

Бир неча ой аввал маҳалла оқсоқоли хонасига икки йигит бошлашиб кириб келди. «Сизларни танимайроқ турибман» деди оқсоқол салом-аликдан сўнг. Йигитларнинг биттаси шоша-пиша гапира кетди:

- Бу дўстимиз сизнинг маҳаллангизда яшайди, отахон. Доим ижод билан банд, китоблариям чиққан. Кўча-кўйда кам юради, шу учун танимаяпсиз-да. Ҳали катта шоир бўлиб кетса, маҳаллага кўп аралашади, у. Мана кўрасиз...

- Бизга нима хизмат бор, - деди оқсоқол йигитнинг гапини бўлиб.

- Шу оғайнимиз яқинда қирқ ёшга тўлади. Юбилейини ўтказиб беришда бош-қош бўлсангиз деб келувдик.

Оқсоқол ўйланиб қолди. Рози бўлай деса, бу йигитни эл-юрт хизматида кўрмаган, шундай экан, унинг «юбилейи»га маҳалладан ким ҳам чиқарди? Рози бўлмайин деса... Тағин ким билади, балки бу бола шоирлар ичида таниқлидир, бекорга юбилей ўтказаман деб юрмагандир. Тавба, қирқ ёшда ҳам юбилей бўларканми?

Хуллас, анча-мунча боши қотган оқсоқол ниҳоят йигитларга мулойимлик билан деди: - Мен маҳалла фаоллари билан маслаҳатлашишим керак. Сўнг бир қарорга келармиз.

Мана шунақа ҳангомалар...

Ўзининг «юбилей»ини ўтказиб беришни сўраб гоҳ у идора, гоҳ бу маҳалла раҳбариятига мурожаат этиб юрганлар ҳақида кўпинча эшитиб қоламиз. Ҳатто бундай юбилейлар учун анча илгарироқ махсус таклифномалар буюртирилади. Қарабсизки, юбилей эгасини танитувчи узундан узоқ таржимаи ҳол... Қайси машҳур кишилар даврасида бўлгани, қай давлатларда малака оширгани, қандай идоралардан миннатдорчилик мактублари олгани, хуллас ҳаммаси батафсил ёзилади. Агар сиз бу «мақтовлар»ни торозининг бир палласига, юбилей эгаси қилган ишларни иккинчи палласига қўйсангиз, уларнинг қай бири оғирроқ чиқаркин? Ҳамма гап шунда!

ЎЗИ ПОКМИ Ё СЎЗИ?

Автобусда кетаётган кексароқ киши ёнидаги шеригига баланд товушда ниманидир тинмай гапирарди. Унинг суҳбати автобусдаги йўловчиларга ҳам эшитилиб турарди.

- Неччи марта бордим, ишими ҳал қилиб бермади, номард. Биззи режамизга киритилмаган, дейдимией. «Ҳов, сен ҳали менинг ёшимга етасанми йўқми, уни худо билади!» дедим. «Ноқонуний иш қилолмайман!» деб индамай тураверди. «Дилимни оғритдинг-а, сен болани намозларимда қарғайман!» деб эшикни тарс ёпдиму, чиқиб келавердим... Буни қаранг-а, кўрасиз, қарғишим изсиз кетмайди...

Автобусдаги йўловчилардан бири бу кишининг гапини шартта бўлди:

- Ҳой, амаки, «намозимда қарғайман» деб бола бечоранинг кўнглига ғулғула солиб нима қилардингиз?

Бошқа йўловчилар унинг гапини бош силкиб маъқуллашди.

Хуллас, бу ҳангома кўпчилигимизни ўйга толдирди. Ахир, баъзи-баъзида ёшларга «Ҳўв, мен намозхонман, мендай одамнинг гапини қайтардинг-а!» дейдиган кишиларни учратамиз. Ҳатто баъзи бир маҳалла фаоллари ҳам хизмат юзасидан келган кишиларга «Бу ерда намоз ўқилади, гапинг бўлса сал наридан туриб гапир!» дея қайта-қайта уқтирадилар. Аслида, намоз - поклик, намозхон эса ўзи ҳам, сўзи ҳам пок бўлмоғи керак. Намоз ўқийдиган киши ножоиз сўзларни тилга олишдан сақланади, давраларда сабрли, мулоҳазакор бўлади. Қолаверса, покликнинг ишорати саналган «намоз» сўзини турли беибо гапларга қўшиб айтавериш, уни ўзига берилган ваколат ёки имконият деб ўйлаш ҳам яхши эмас, бизнингча. Ахир кимнинг дуоси вожиблиги фақат яратганга маълум.

Камтарлик, камсуқумлик ва хушмуомалалик фазилатлари инсоннинг ҳаётини яшнатади, умрини узайтиради. Феълимиздаги биргина иллат гоҳо ўнлаб фазилатларимизга ғов бўлади. Чин одамийлик фақат ўзимизгагина эмас, балки ўзгаларга бўлган эътиборимиз билан ҳам белгиланади. «Қай бирингиз гуноҳ иш қилаётган одамни кўрсангиз, уни қўл билан қайтаринг. Бунга қодир бўлмасангиз, тил билан қайтаринг. Агар бунга-да, кучингиз етмаса, дилингизда нафратланиб туринг. Лекин бу учинчи ҳолат имонингиз заифлигидан далолатдир!» дейилади Ҳадиси Шарифда. Биз инсон бўлиб дунёга келганимиз, яхши ном қолдирмоқ учун яшаётганимиз ва ўзимиз ва ўзгаларнинг тақдиримизга масъул эканимизни бирор лаҳза унутмаслигимиз лозим. Токи, феълимиздаги иллатлар кўз ўнгимизда фожеага айланмасин, биз эса бундай иллатлардан кўз юмиб иймони заиф кимсалар бўлиб қолмайлик. Сиз нима дейсиз, азизлар? Келинг, биргаликда фикрлашайлик.

Гулчехра ЖАМИЛОВА.

Феълимиздаги иллатлар

ЎЗИНГИЗ ҲАМ, СЎЗИНГИЗ ҲАМ ўрнидами?

Умуман, бизнинг фазилатларимиз кўпми ё иллатларимиз? Умримизнинг шошқин бекатларида нималарни унутиб қолдирямиз? Балки тўғри яшамоқ шартларини ёддан чиқаргандирмиз? Баъзида ўз хузур-ҳаловатимизни, ўз манфаатимизни кўзлаб иймону инсоф чегараларини босиб ўтдикми ё? Ўйлаб кўрайлик.

Аслида биз бу кимсаларнинг ҳар бирини таниймиз. Лекин, ҳадеганда уларнинг хатосини айтишни ўзимизга эп кўрмаймиз.

МУАННИМЛАР ТАЖРИБИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)
Шу кунларда ўзингизни жисмонан бақувват сезасиз, кайфиятингиз ҳам аъло даражада. Уйда ҳам, ишда ҳам ғайрат-шижоатингизнинг чеки йўқ.

БУЗОҚ (22.04-20.05)
Чоршанбадан то дам олиш кунларигача анчадан битмай турган юмушларингизни битириб оласиз. Келаси иш ҳафтасини ҳам кўтаринки кайфиятда бошлайсиз.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)
Қандай ишга қўл урманг. Ҳаммаси бароридан келаверади. Атрофингиздагилар ҳам сизнинг омадингизга ҳавас қиладилар, сизга тан берадилар.

ҚИСҚИЧБАҚА (22.06-22.07)
Пайшанба ва жума куни иш жойингизда, дам олиш кунлари оилангизда турли муаммоларни бартараф этишингизга тўғри келади.

АРСЛОН (23.07-22.08)
Раҳбарият томонидан кейинги пайтдаги изланишларингиз ўринли қадрланиб, бирон миқдорда мукофот олишингиз эҳтимоли бор.

ПАРИЗОД (23.08-22.09)
Ишбилармонлик ва тиришқоқлик шу кунларда режалаштирган ишларингизнинг битишида қўл келади.

ТАРОЗУ (23.09-22.10)
Ўзингиз яхши танимаган кишиларнинг даврасидан узоқроқ юринг. Чунки яхши таниш ёки биродар орттириш имкониятингиз йўқ.

ЧАЁН (23.10-22.11)
Ўзингизнинг ҳам, атрофдагиларнинг ҳам кайфиятларини бузмаслик учун мулоқотларда босиқ ва мулоҳазали бўлинг.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)
Бугун, эртага ва жума куни Сизни турли кутилмаган учрашувлар, қизиқарли танишувлар кутмоқда. Лекин муносабатларни чуқурлаштирмасликни маслаҳат берамиз.

ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12-19.01)
Молияга тегишли бўлмаган юмушларингиз шу кунларда жуда осон битади. Шахсий муносабатларингиздa эса пул туфайли турли можаролар бўлиши мумкин.

ҚОВҒА (20.01-18.02)
Шу кунларда илҳом париси сизни бир зумга ҳам тарк этмайди. Ижодий салоҳиятингизни касбий муаммоларга йўналтирганингиз маъқул.

БАЛИҚ (19.02 - 20.03)
Овқатланиш режимига қатъий риоя этолсангиз, бемаврид бетоб бўлишдан ўзингизни асраган бўласиз.

Бир неча ой аввал маҳалла оқсоқоли хонасига икки йигит бошлашиб кириб келди. «Сизларни танимайроқ турибман» деди оқсоқол салом-аликдан сўнг. Йигитларнинг биттаси шоша-пиша гапира кетди:

- Бу дўстимиз сизнинг маҳаллангизда яшайди, отахон. Доим ижод билан банд, китоблариям чиққан. Кўча-кўйда кам юради, шу учун танимаяпсиз-да. Ҳали катта шоир бўлиб кетса, маҳаллага кўп аралашади, у. Мана кўрасиз...

- Бизга нима хизмат бор, - деди оқсоқол йигитнинг гапини бўлиб.

- Шу оғайнимиз яқинда қирқ ёшга тўлади. Юбилейини ўтказиб беришда бош-қош бўлсангиз деб келувдик.

Оқсоқол ўйланиб қолди. Рози бўлай деса, бу йигитни эл-юрт хизматида кўрмаган, шундай экан, унинг «юбилейи»га маҳалладан ким ҳам чиқарди? Рози бўлмайин деса... Тағин ким билади, балки бу бола шоирлар ичида таниқлидир, бекорга юбилей ўтказаман деб юрмагандир. Тавба, қирқ ёшда ҳам юбилей бўларканми?

Хуллас, анча-мунча боши қотган оқсоқол ниҳоят йигитларга мулойимлик билан деди: - Мен маҳалла фаоллари билан маслаҳатлашишим керак. Сўнг бир қарорга келармиз.

Мана шунақа ҳангомалар...

Ўзининг «юбилей»ини ўтказиб беришни сўраб гоҳ у идора, гоҳ бу маҳалла раҳбариятига мурожаат этиб юрганлар ҳақида кўпинча эшитиб қоламиз. Ҳатто бундай юбилейлар учун анча илгарироқ махсус таклифномалар буюртирилади. Қарабсизки, юбилей эгасини танитувчи узундан узоқ таржимаи ҳол... Қайси машҳур кишилар даврасида бўлгани, қай давлатларда малака оширгани, қандай идоралардан миннатдорчилик мактублари олгани, хуллас ҳаммаси батафсил ёзилади. Агар сиз бу «мақтовлар»ни торозининг бир палласига, юбилей эгаси қилган ишларни иккинчи палласига қўйсангиз, уларнинг қай бири оғирроқ чиқаркин? Ҳамма гап шунда!

ЎЗИ ПОКМИ Ё СЎЗИ?

Автобусда кетаётган кексароқ киши ёнидаги шеригига баланд товушда ниманидир тинмай гапирарди. Унинг суҳбати автобусдаги йўловчиларга ҳам эшитилиб турарди.

- Неччи марта бордим, ишими ҳал қилиб бермади, номард. Биззи режамизга киритилмаган, дейдимией. «Ҳов, сен ҳали менинг ёшимга етасанми йўқми, уни худо билади!» дедим. «Ноқонуний иш қилолмайман!» деб индамай тураверди. «Дилимни оғритдинг-а, сен болани намозларимда қарғайман!» деб эшикни тарс ёпдиму, чиқиб келавердим... Буни қаранг-а, кўрасиз, қарғишим изсиз кетмайди...

Автобусдаги йўловчилардан бири бу кишининг гапини шартта бўлди:

- Ҳой, амаки, «намозимда қарғайман» деб бола бечоранинг кўнглига ғулғула солиб нима қилардингиз?

Бошқа йўловчилар унинг гапини бош силкиб маъқуллашди.

Хуллас, бу ҳангома кўпчилигимизни ўйга толдирди. Ахир, баъзи-баъзида ёшларга «Ҳўв, мен намозхонман, мендай одамнинг гапини қайтардинг-а!» дейдиган кишиларни учратамиз. Ҳатто баъзи бир маҳалла фаоллари ҳам хизмат юзасидан келган кишиларга «Бу ерда намоз ўқилади, гапинг бўлса сал наридан туриб гапир!» дея қайта-қайта уқтирадилар. Аслида, намоз - поклик, намозхон эса ўзи ҳам, сўзи ҳам пок бўлмоғи керак. Намоз ўқийдиган киши ножоиз сўзларни тилга олишдан сақланади, давраларда сабрли, мулоҳазакор бўлади. Қолаверса, покликнинг ишорати саналган «намоз» сўзини турли беибо гапларга қўшиб айтавериш, уни ўзига берилган ваколат ёки имконият деб ўйлаш ҳам яхши эмас, бизнингча. Ахир кимнинг дуоси вожиблиги фақат яратганга маълум.

Камтарлик, камсуқумлик ва хушмуомалалик фазилатлари инсоннинг ҳаётини яшнатади, умрини узайтиради. Феълимиздаги биргина иллат гоҳо ўнлаб фазилатларимизга ғов бўлади. Чин одамийлик фақат ўзимизгагина эмас, балки ўзгаларга бўлган эътиборимиз билан ҳам белгиланади. «Қай бирингиз гуноҳ иш қилаётган одамни кўрсангиз, уни қўл билан қайтаринг. Бунга қодир бўлмасангиз, тил билан қайтаринг. Агар бунга-да, кучингиз етмаса, дилингизда нафратланиб туринг. Лекин бу учинчи ҳолат имонингиз заифлигидан далолатдир!» дейилади Ҳадиси Шарифда. Биз инсон бўлиб дунёга келганимиз, яхши ном қолдирмоқ учун яшаётганимиз ва ўзимиз ва ўзгаларнинг тақдиримизга масъул эканимизни бирор лаҳза унутмаслигимиз лозим. Токи, феълимиздаги иллатлар кўз ўнгимизда фожеага айланмасин, биз эса бундай иллатлардан кўз юмиб иймони заиф кимсалар бўлиб қолмайлик. Сиз нима дейсиз, азизлар? Келинг, биргаликда фикрлашайлик.

Гулчехра ЖАМИЛОВА.

«ОВИ БАРОРИДАН КЕЛДИ»

Ҳодисот ва тафсилот

яъни чақалоқ муз устида омон туғилди

Чақалоқ туғруқхонада эмас муз устида дунёга келганлигига ишонмасангиз керак. Лекин бу ҳақиқат. Бу воқеа аслида бундай содир бўлди.

Корелиянинг шимолий ҳудудида яшовчи И.Наталя дам олиш кунларининг бирида беш яшар қизчаси Аннушка билан балиқ овини ихтиёр қилди.

Баҳорнинг сўнгги кунлари бўлишига қарамай Корелиянинг шимолида ҳали музлар эрий бошламаган эди. Лекин, балиқ овласа бўладиган вақт эди. Она-бола ўзлари яшайдиган Юшкокўл қишлоғидан беш километрлар чамаси узоқлашганларидан кейин ов учун қулай жойни танлашиб ўрнашишди ва она қизи Аннушкага:

- Овимиз зўр бўладиганга ўхшайди, отангни ҳам хурсанд қиладиганга ўхшаймиз, - дея қалтис ҳаракат билан хўракни сувга ташлади. Шу аснода кутилмаганда у ўзида қаттиқ оғриқ бошланаётганини сезди. Оғриқ борган сари кучая бошлади.

- Наҳотки, шу ерда туғилса-я, - деган ўй бутун вужудини қамраб олди.

Наталя ой куни яқинлашганини билар эдику, бироқ... Худонинг хоҳиши шундай бўлса бандасининг қўлидан нима ҳам келар эди. Наталя оғриқнинг зўрига бардош бериб атрофга назар ташлади. Атроф жим-жит. Одам зоти кўринмасди. Фақат осмонда онда-сонда қушларнинг учаётгани кўзга ташланарди. Ҳеч қаердан нажот бўлмаслигига кўзи етгач, Наталя ўзи тайёргарлик кўра бошлади... Устидаги камзулини ечиб муз устига тўшаб ўзи қулайроқ ётди. Шундай совуқ паллада чақалоқнинг туғилиши ва уни шамоллаб қолишидан ҳамда рўпарасида нима қилишини билмай қўрқув билан қизчасининг унга боқиб туриши дардни тезлаштириб, туғиш жараёнини енгиллаштирди. Бола ёруғ дунёга келиши биланоқ Наталя унинг киндигини кесиб ип билан маҳкам боғлади. У шундагина қиз кўрганини билди ва устидаги кийимини ечиб болани йўргаклади. Шундан кейин қизи Аня билан ҳамма нарсаларни йиғиштириб қишлоқ сари йўлга тушишди. Наталя янги меҳмонни бағрига босганича тезроқ уйига етиб олишга ошиқарди. Уйига яқинлашганларида қўни-қўшнилар уларга ҳайрат билан боқишарди. Она-болани дарҳол туман касалхонасига олиб боришди. Касалхона туғруқхона бўлимининг ходимлари чақалоқнинг қаерда ва қандай шароитда дунёга келганини эшитиб ҳайрон қолишди. Ҳа, бунақаси ҳали шу чоққача бўлмаган эди-да! Шифокорлар қизча соппа-соғ эканлиги, унинг онасида ҳам ҳеч қандай касалликнинг белгиси йўқлигини айтишди. Муз устида туғилган чақалоқ ва унинг онаси олти кундан кейин уйларига қайтишди. Чақалоққа Соня деб исм қўйишди. Соня оиланинг олтинчи фарзанди бўлди.

- Овимиз зўр бўладиганга ўхшайди, отангни ҳам хурсанд қиладиганга ўхшаймиз, - дея қалтис ҳаракат билан хўракни сувга ташлади. Шу аснода кутилмаганда у ўзида қаттиқ оғриқ бошланаётганини сезди.

«Труд-7» газетасидан олинди.

Янгисидан бор...

Юртимиз обидалари

Тимдаги тилсим - Аработа мақбараси

Аработа мақбараси бундан 1025 йил илгари яъни 977 милодий йилда Самарқанд вилояти Нарпай туманидаги Зирабулоқ тоғ этагида Қарнаб чўлига ёндош қадимги Тим қишлоғида бунёд этилган. «Тим» форсча карвонсарой, усти ёпиқ бозор, савдо растаси деган маъноларни англатган.

Тимлар очиқ бозор ва карвонсаройлар яқинида қурилганлиги ва фаолият кўрсатганлиги тарихий манбаларда ёзиб қолдирилган.

Тим қишлоғида ҳаёт кечаю-кундуз авжига чиқиб турган. Ўша вақтларда Тим қишлоғи ва унинг атрофларида бир қанча бинолар қурилган бўлиб, уларнинг кўпи вақт ўтиши билан вайрон бўлган фақат омон қолган бир нечтаси бизнинг давримизгача сақланган. Ана шундай тарихий бинолардан бири Аработа мақбарасидир. Бу мақбара Моваroуннаҳрдаги сақланиб қолган энг қадимий мақбараларидан бири. Мақбара меъморий тузилиши жиҳатидан катта аҳамиятга молик. Унинг улкан пештоқи ўша даврда яратилган шу типдаги биноларнинг дастлабки етук намунаси бўлиб, XI-XII асрлар меъморчилигининг намунаси сифатида кўзга ташланади. Мақбара қурилиши ва тузилиши жиҳатидан тўкам қилиб терилган. Мақбаранинг усти гумбаз билан ёпилган. Бинонинг нақшли, бежирим устунлари хонага шинамлик ва улуғвор кўриниш берган. Мақбаранинг кўрки унинг маҳобатли пештоқидир. Аработа мақбарасининг пештоқи нақшлар ва ганч билан ўйиб ёзилган арабий ёзувлар билан безатилган. Диққатга сазовор жойи шундаки, бу мақбара X асрга доир Моваroуннаҳр ва Хуросон тарихий меъморий ёдгорликлари ичида бунёд бўлган вақти аниқ кўрсатилган ягона бинодир. Мақбарадаги қадимий ёзувларни Қадимшунос олим профессор Е.М.Массон ўқиб, тарихий маълумотларни тиклаган.

Ўлкамизда Аработа мақбараси қимматли тарихий ўрин тутишини дастлаб машҳур маданшунос олим марҳум академик Ҳабиб Абдуллаев таъкидлаган эди. Олим Аработа мақбарасига катта эътибор билан қараб, унинг тарихи, фанга алоқаси, миллий меъморчилигимиздаги аҳамияти билан қизиқди. Мақбарадаги бетакрор нақшлар, ғиштларни жуфт-жуфт қилиб терилиш услуби олимни қойил қолдиради. Ана шундан кейин академик Ҳабиб Абдуллаев Аработа мақбарасини синчиклаб ўрганиш, таъмирлаш ва уни келажак авлод учун аждодларимиздан қолган маданий мерос сифатида сақлаб қолиш масаласини кўтариб чиқди. Дастлаб 1958 йили Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университетининг профессори, географ олим Н.И.Леонов Қарнаб чўлига илмий сафар уюштириб, Аработа мақбараси, Тим қишлоғи ҳақида ерли аҳоли, кексалардан тарихий маълумотлар тўплади, мақбара тўғрисидаги афсона ва ривоятларни пухта ўрганди. Профессор Н.И.Леонов Аработа мақбараси ўзбек миллий меъморчилигининг нодир ва бебаҳо гавҳари эканлигини тан олди.

Бироз муддатдан кейин бу тарихий меъморий обидани қурилиш услуби, безаги, нақшлари, ёзувлари ва ишлатилган қурилиш материалларини ўрганиш учун қадимшунос олим профессор Е.М.Массон қадимий Тим қишлоғига келади. Олим тарихий бинони кўздан кечириб, мақбара Ўрта Осиё меъморчилик санъати тарихида муҳим ва қимматли ўрин эгаллашини қайта-қайта таъкидлади. Ана шундан сўнг санъатшунос олима профессор Г.А.Пугаченкова, меъморшунос олим Пўлат Зоҳидов, қадимшунос олим Баҳодир Турғуновлар Аработа мақбарасини яна бир бор ҳар томонлама синчиклаб ўрганиб чиқадилар. Аработа мақбараси олдида XI асрда қурилган гумбазли катта бино ва масжид ҳам бизнинг давримизгача сақланиб қолган. Шунингдек, Тим қишлоғида минг ёшдан ошган ва аждодларимиздан бизга мерос бўлиб қолган табиат мўъжизаси улкан Сарв дарахти ҳамон ўсиб, савлат тўкиб турибди.IX асрга оид бу ноёб тарихий дарахтнинг баландлиги 38-40 метр, тана айланаси эса 12 метр.У юртимиздаги энг кекса дарахт ҳисобланади. Минг йиллик тарихга эга Аработа мақбарасига бўлган эътибор мустақиллик йилларида айниқса кучайди, мақбарани сақлаш қонун йўли билан давлат назоратига олинди.

Рашид БОЙТУЛЛАЕВ.

Матонат

«МЕН ҲАММА БИЛАН БАРОБАР ЮГУРАМАН»

дейди америкалик Жеф Кейс

Унинг фақат бир оёғи бор. Иккинчисини 12 ёшдалигида кесиб ташлашган. Ўшанда шифокорлар болани рак касаллигига дучор бўлган дея тахмин қилишганди. Жеф Кейс доим сунъий оёқларда юрар, шундай бўлсада, анча-мунча ишларни бажararди. Йигитча 22 ёшигача югуриш машғулотлари билан шуғулланади, сўнгра АҚШнинг Шарқий кўрфазидан Ғарбий кўрфазигача бўлган масофани югуриб ўтди. Бостондан йўлга чиқиб етти ой давомида 5150 километрни югуриб ўтиб Лос-Анжелесга етди. Яъни, кунига тахминан 26 километрча йўл босди. Бу вақт ичида у 36 жуфт кроссовка ва 5 марта сунъий оёқни алмаштирди. Ҳар битта шаҳарда унга одамлар пул беришар, бу пуллар Америкадаги рак хасталикларининг олдини олиш жамиятида амалга оширилаётган фойдали ишлар учун сарфланарди.

Жеф Кейс ногирон бўлсада кўп нарсаларга қодир. Коньки учади, чўмилади, футбол ўйнайди ва аксари вақтларда югуради. У яқинда коллежни тугатди ва эндиликда адвокат бўлиш ниятида ўқишни давом эттиряпти.

«Агар инсон иродали бўлса, ҳар қанақа ишнинг удласидан чиқади!» дейди у.

Инглиз тилидан И.ОРИФЖОНОВ таржимаси.

MAHALLA

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Тахрир ҳайъати:
Аъзам ГАДОЙБОЕВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Эркин БОҚИБОЕВ, Расул РАҲМОНОВ (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Рустам ҚОСИМОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Бахтиёр РИЗАЕВ, Шухрат РИЗАЕВ, Шавкат ЎРАЗАЕВ, Таънаберди ҚУРБОНОВ, Эркин ҒУЛОМОВ.

Масъул котиб: Аслиддин БЎРИЕВ
Навбатчи: Аброр БЕРДИЕВ
Саҳифаловчи:

Газета таҳририят компьютерида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41.

Буюртма Г-427 Топширилди—20.30